

№ S/2 (3) - 2023

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES
AND SOCIAL SCIENCES**



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ
ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ
ELECTRONIC JOURNAL**

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Махсус сон

№ S/2 (3)-2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

Специальный выпуск

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES
Special Issue

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойкулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б., Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Хошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукахаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайтов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Файбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа оқтори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши хузуридаги Судъялар олий мактаби

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоэвна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент аҳборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниневна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлифи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Марҳабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насридин Атакулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Crossref DOI:

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

Google Scholar

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари** электрон журнали
1368-сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.

Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-үй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Телеграм канал:

https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 - ТАРИХ ФАНЛАРИ

Рахманова Мавлуда Эркин қизи

СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССРГА ХАЛҚАРНИ МАЖБУРИЙ КЎЧИРИШ
СИЁСАТИ ТАРИХШУНОСЛИГИ 9-16

Икромжонов Акмалжон Махмуджонович

ФАХРУДДИН ЎЭЖАНДИЙ ЯШАГАН ДАВРДА МОВАРОУННАҲР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ
ВАЗИЯТ ВА ИЛМ ФАН РИВОЖИ 17-25

Холдоров Зоҳиджон Валижон ўғли

ТУРКИСТОН ЛЕГИОННИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ТАРИХИДАН 26-34

Хамирова Дилфуза Улуғбек қизи

НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС ИЖОДКОРЛАР НИГОХИДА 34-41

Nag'ashboyev Qazbek Bozorboy uli

SULTON RAXMONOV – SAYYORANING ENG KUCHLI ODAMI 42-49

Махмудов Махмуд Авазович

ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ ШАРОИТИДА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ИЖТИМОЙ
ТАБАҚАЛАШУВИ 50-58

Mamatov Bektosh Tolibjon o`g`li

YALANGTO`SH BAHODIR VA ASHTARXONIY HUKMDORLAR 59-66

08.00.00 - ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Muminova Elnoraxon Abdulkarimovna

“YASHIL” IQTISODIYOTGA O’TISHNING XORIJY TAJRIBALARI 66-75

Файзуллоев Мирсаид Шухратович

СОЛИҚ НАЗОРАТИ ТИЗИМИДА КАМЕРАЛ СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ
АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ 76-85

Кахарова Нилюфар Эркинжоновна

OKR МЕТОДОЛОГИЯСИ ХАҶИДА ТУШУНЧА, МАҶСАДИ, АФЗАЛЛИГИ, ЖАРАЁНДАН
КУТИЛАДИГАН НАТИЖАЛАР 86-91

Насруллоев Ҳаётжон Хабибуллоевич

СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИГА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ОРҚАЛИ СОЛИҚ БАЗАСИНИ КЕНГАЙТИРИШ
ЙЎЛЛАРИ 92-99

Raxmonov Mirvoxid Rajabovich

HUDUDNING INVESTISION JOZIBADORLIGI OMILLARINI
EKONOMETRIK MODELLASHTIRISH 100-107

Насруллоев Ҳикматулло Хабибуллоевич

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ УЧУН ЗАМОНАВИЙ РАҶАМЛИ
ЕЧИМЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ 108-115

Тоштемиров Шоҳруҳ Тошпўлатович

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ КАПИТАЛ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА
ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВНИНГ АҲАМИЯТИ 116-120

| | |
|---|---------|
| Насимов Равшанжон Азимович | |
| МАМЛАКАТИМИЗДА СОЛИҚ ЮКИНИНГ СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ | 121-130 |
| Nabieva Nilufar Muratovna | |
| MARKETING AUDIT AND ITS IMPACT ON IMPROVING THE COMPETITIVENESS OF THE COMPANY..... | 131-139 |
| Отамуродов Нуриддин Нажмиддинович | |
| КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ COVID-19 ИНҚИРОЗ ДАВРИДА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СОЛИҚҚА ТОРТИШ МАСАЛАЛАРИ | 140-148 |
| Hoshimov Jahongir Ravshanbek o'g'li | |
| TO'G'RIDAN – TO'G'RI XORIJIY INVESTITISIYALARINI JALB QILISHDA MAMLAKAT XATARLARINI KAMAYTIRISH..... | 149-155 |
| Yusupov Farruxbek Farxodovich | |
| O'ZBEKİSTON RESPUBLİKASIDA SOLIQ MA'MURCHILIGIDA SOLIQ TO'LOVCHILARGA XİZMAT KO'RSATISHNI TAKOMILLASHTIRISH YO'LLARI..... | 156-162 |
| Kunduzova Kumrixon Ibragimovna | |
| KİCHIK BİZNES KORXONALARIDA MOLİYAVİY REJALASHTIRISH VA BYUDJETLASHTIRISHNING XUSUSİYATLARI | 163-172 |
| Зиёдинова Нилуфар Зариф қизи | |
| ИНВЕСТИЦИОН ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИНГ ЎРНИ | 173-179 |
| Насимджанов Юнусжон Зоҳидович | |
| МАМЛАКАТИМИЗ ҲУДУДЛАРДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ЕР СОЛИГИ МАЪМУРЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ | 180-187 |
| 09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ | |
| Ҳакимов Акмалжон Мирзаганиевич | |
| ЦИВИЛИЗАЦИЯ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ГНОСЕОЛОГИК МОҲИЯТИ | 188-192 |
| Холмирзаев Нодиржон Низомжонович | |
| УРБАНИЗАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ | 193-198 |
| Boboqulov Abror Abdug'ani o'g'li | |
| "OPEN ARTIFICIAL INTELLIGENCE GPT" TIL MODELINING FALSAFIY TAHLILI | 199-204 |
| Ялгашев Бунёд Махмудович | |
| САМАРҚАНД ВОҲАСИ ЭТНИК ГУРУХЛАРИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА УЛАРНИГ ЯШАШ ТАРЗИ | 205-213 |
| Safarov Maqsudali | |
| ABU BAKR AR-ROZIYNING "TIBBI RUHONIY" (RUH TIBBIYOTI) ASARIDA G'AZABNI VA INSONNING O'Z KAMCHILLIKLARINI BARTARAF QILISH HAQIDA MULOHAZALAR | 214-219 |
| Сохибова Лола Жонибоевна | |
| ШАХС МАДАНИЙ САВИЯСИ – МАДАНИЙ РИВОЖЛАНГАНЛИК ИФОДАСИ | 220-224 |

| | |
|---|---------|
| Адашова Махсума Махмудбоевна | |
| ИМОМ АБУ МАНСУР МОТУРИДИЙ ВА МОТУРИДИЙЛИК ТАЪЛИМОТИ – ДУНЁ ОЛИМЛАРИ НИГОХИДА..... | 225-231 |
| Mukhammediyarova Akhmaral | |
| PHILOSOPHICAL ANALYSIS OF THE CONCEPT OF NOOSPHERIC DEVELOPMENT IN THE ECOLOGICAL AND GLOBAL SECURITY SYSTEM | 232-239 |
| 10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ | |
| Tilovov Ozod, Isoqulova Gulxon | |
| FRAZEOLGIK BIRLIKLARDA SONLARNING QO'LLANILISHI VA ULARNING RAMZIY MA'NOLARI..... | 240-245 |
| Surmilova Elena | |
| GENDER STUDIES IN LINGUISTICS AND THEIR APPLICATION IN ENGLISH LANGUAGE TEACHING | 246-252 |
| Олимова Диляфрузхон Бахтиёржон қизи | |
| ТИЛШУНОСЛИКДА БАҲО КАТЕГОРИЯСИ ВА УНИНГ ЎРГАНИЛИШИ | 253-257 |
| Djurayev Dilshod Mamadiyarovich, Radjabova Madinabonu Raimovna | |
| XITOY TILI GRAMMATIKASIDAGI “NATIJA TO'LIQLOVCHISI (结果补语)..... | 258-262 |
| Azzamov Yusufjon Radjaboy o'g'li, Jo'rayeva Xayriniso Shavkat qizi | |
| EKOJURNALISTIKANING QO'LLANILISH KATEGORIYALARI | 263-268 |
| Fillipova Olga Igorevna | |
| CONVERGENCE OF STYLISTIC DEVICES AS A CATEGORY OF REDUNDANCY..... | 269-278 |
| Ismoilova Dilorom Rustamjon kizi | |
| LEXICAL UNITS OF THE SEMANTIC FIELD “MURDER”..... | 279-285 |
| 12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР | |
| Ильясов Баходир Ильясович | |
| ELEKTRON DAVLAT XIZMATLARINI KO'RSATISHNING TASHKILIY-HUQUQIY MEXANIZMI VA UNING RIVOJLANISH YO'LLARI | 286-293 |
| Чориева Хуршидабону Хуррам қизи | |
| ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛАР ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК-ХУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДА ИШТИРОКИ | 294-299 |
| Хаётов Анвар Хусанович | |
| ХАЛҚАРО ОЛИМПИЯ ҚЎМИТАСИННИНГ МУХТОР МАҚОМИ ВА ТУРЛИ ҲУҚУҚ СУБЪЕКТЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ | 300-307 |
| 13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ | |
| Журабекова Хабиба Мадаминовна | |
| РЕЧЕВАЯ АКТИВНОСТЬ КАК ВАЖНЫЙ ФАКТОР КОММУНИКАТИВНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ | 308-315 |

Tursunova Aziza Xoshimovna

WEB TEKNOLOGIYALAR ASOSIDA BILIMNI NAZORAT QILUVCHI DIDAKTIK VOSITALAR
YARATISH USULLARI 316-321

Oblanazarov Faxriddin Asadovich

FUTBOLCHILARNI TAYYORLASHDA TA'LIM VA MASHG'ULOTNING ASOSIY QONUN-
QOIDALARINI AMALGA OSHIRISH 322-329

Isroilova Dildora Muxtarovna, Solijonova Dildora Ulugbekovna

IJTIMOIY-SIYOSIY MATNLAR TARJIMASINI O'QITISHDA LINGVOMADANIY OMILLARNING
O'RNI 330-335

Satvoldiyev Faxriddin Akbarali o'g'li

MAKTAB O'QUVCHILARI HUQUQIY TA'LIM – TARBIYASINI SHAKLLANTIRISH BORASIDA
OLIB BORILGAN TAJRIBA SINOV ISHLARI NATIJALARINING PEDAGOGIK TAHLILI 336-342

Jurayev Bobomurod Tojiyevich

SHARQDA PEDAGOGIK FAOLIYATNING MAYDONGA KELISHI VA RIVOJLANISHI 343-350

07.00.00-Тарих фанлари

Рахманова Мавлуда Эркин қизи
Ўзбекистон Республикаси Фанлар
академияси Тарих институти,
таянч докторант

СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССРГА ХАЛҚЛАРНИ МАЖБУРИЙ КҮЧИРИШ СИЁСАТИ ТАРИХШУНОСЛИГИ

Аннотация. Ушбу мақолада Иккинчи жаҳон уруши арафаси ва уруш йилларида Ўзбекистон ССРга мажбуран кўчирилган халқлар тарихини акс эттирувчи илмий адабиётлар, тадқиқотлар, монография ва мақолалар таҳдил этилган ва уларнинг Ўзбекистон тарихшунослигидаги муҳим жиҳатлари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: Ўзбекистон ССР, совет миллий сиёсати, қатағонлик, мажбурий миграция, депортация, Иккинчи жаҳон уруши, тарихшунослик, толерантлик.

Рахманова Мавлуда Эркин қизи
Институт истории Академии Наук
Республики Узбекистан,
Базовый докторант

ИСТОРИОГРАФИЯ ПОЛИТИКИ СОВЕТСКОГО ПРАВИТЕЛЬСТВА ПО ПРИНУДИТЕЛЬНУЮ ПЕРЕСЕЛЕНИЮ НАРОДОВ В УЗБЕКСКУЮ ССР

Аннотация. В данной статье анализируются научная литература, исследования, монографии и статьи, отражающие историю народов, насильственно переселенных в Узбекскую ССР до и в годы Второй мировой войны и исследуются их важные аспекты в историографии Узбекистана.

Ключевые слова: Узбекская ССР, советская национальная политика, репрессия, принудительная миграция, депортация, Вторая мировая война, историография, толерантность.

Rakhmanova Mavluda Erkin kizi
The Institute of History, Academy of
the Sciences of Uzbekistan,
PhD student

HISTIOGRAPHY OF THE SOVIET GOVERNMENT POLICY OF FORCED RELOCATION OF PEOPLE TO THE UZBEKISTAN SSR

Annotation. In this article, scientific literature, studies, monographs and articles reflecting the history of the people who were forcibly relocated to the Uzbek SSR before and during the Second World War are analyzed and their important aspects in the historiography of Uzbekistan are studied.

Key words: Uzbekistan SSR, Soviet national policy, repression, forced migration, deportation, World War II, historiography, tolerance.

DOI: <https://doi.org/10.47390/B1342V3SI2Y2023N01>

Кириш

Совет тузумининг қарийб 75 йил давом этган ҳукмронлиги даврида ҳар қандай эркин фикр ва ҳолис ёндашувлар тақиқланиб, тарихий ҳақиқатлар юзага чиқишига йўл қўйилмади. Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки даврдан бошлаб тарих соҳаси учун долзарб ҳамда мураккаб ҳисобланган барча муаммоларни ўрганишга бўлган муносабат ижобий томонга ўзгарди. Совет ҳокимияти томонидан XX асрнинг 30-90 - йилларида амалга оширилган миллий сиёсат ва халқларни мажбурий кўчириш оқибатлари Ўзбекистон тарихшунослигидаги муҳим масалалардандир.

СССРда зўрлик билан амалга оширилган ушбу этник сиёсат қурбонлари – чегара ҳудудларда ҳамда мамлакатнинг ички қисмларида истиқомат қилиб келган олти миллионга яқин аҳоли [8,239-б.] ўз яшаб турган манзилларидан сиёсий репрессия таъсири остида маҳрум этилиб, мамлакатнинг бошқа ҳудудларига, шу жумладан, Ўзбекистон ССРга ҳам кўчириб ўтказилди.

Ўз ватанларида муқим яшаб келаётган корейс, хитой, поляк, немис, турк-месхет, хешмил, курдлар “чегара хавфсизлигини таъминлаш” мақсадида мажбуран кўчирилган бўлса, қrim-татар, чечен, болқор, қорачой, ингуш ва яна бир қанча этник гурӯҳ ва миллат вакиллари уруш даврида “душман билан тил бириктирганлик”, “жосуслик алоқаларини ўрнатганлик”, “совет давлатига қарши чиққанлик” айловлари билан қисқа муддат ичida шафқатсиз усуllарда депортация қилинди.

Иккинчи жаҳон уруши арафаси ва уруш йилларида ўзбек халқи бошига тушган оғир мусибатлар ҳамда қийинчиликларга қарамасдан мажбуран кўчирилган, яъни “жазоланган халқлар”га нисбатан ҳақиқий инсонпарварлик, миллатпарварлик, меҳмондўстлик ва халқпарварлик наъмуналарини намоён эта олдилар. Айнан шу масала ҳозирги миллий ва хорижий тарихий тадқиқотларнинг асосий мазмунини ташкил этаётганлигини алоҳида эътироф этиб ўтиш лозимdir.

Асосий қисм

И.Сталин буйруғига асосан қатағонга учраб зўрлик билан кўчирилган халқлар тақдирини акс эттирувчи тарихий асарлар XX аср 60-йилларидан бошлаб биринчи бўлиб ғарб мутахассислари томонидан ўрганилди. 1960 йилда АҚШда эълон қилинган Роберт Конквестнинг “Советларнинг халқлар депортацияси [14]” китоби мавзу тарихшунослигига оид илк адабиётлардан бири ҳисобланади. Роберт Конквестнинг фикрича, уруш йилларида СССРда амалга оширилган мажбурий этник депортациялар Россия империяси давридаги колониал сиёсатнинг узвий давомидир. Айрим ноаниқликларга қарамасдан Р.Конквест “жазоланган ва сургун қилинган халқлар” ҳақида статистик ва хронологик таҳлилларни биринchi бўлиб бера олган.

Р.Конквестдан фарқли равишда СССР худудида халқларнинг кўчирилган йўналишлари харитаси Мартин Гилберт томонидан 1972 йилда нашр этилган “Рус тарихи Атласи” да батафсил ва тўлиқроқ маълумотлар кўрсатилади. Чунки Р.Конквестнинг ишида биз ҳужжатли материаллар етишмовчилигига дуч келамиз. Александр Солженициннинг 1973-1975 йилда дунё юзини кўрган “ГУЛАГ Архипелаги” асари И.Сталин олиб борган қатағон сиёсати фожеалирини тасаввур этишга имкон берувчи маълумотларга бой асар ҳисобланади. Шу билан биргаликда, СССР фуқароси

бўлган Александ Некричнинг 1978 йил Нью-Йоркда нашр этилган “Жазоланган халқлар”[15] китобини мавзу тарихшунослигидаги муҳим адабиётлар қаторига киритиш мумкин. А.Некрич аввалги тадқиқотлардан фарқли равиша да лилларга асосланиб, маҳсус сургун қилинганлардан оғзаки ва ёзма материаллар тўплаб, кўчирилганларнинг ҳаётини ҳаққоний акс эттиришга ҳаракат қилган. А.Некрич тарихшуносликда илк бор СССРдаги депортация масаласини яхлит илмий муаммо сифатида белгилаган [6; 9-б.]. Р.Конквест ва А.Некричгача депортация қилинган ва маҳсус кўчирилган халқлар тарихи тадқиқ этилмаган.

Халқларни мажбурий кўчириш сиёсати тарихини ҳаққоний тадқиқ этиш муаммоси Россия ва МДҲ мамлакатларида XX асрнинг 80-йиллари охирида, яъни “қайта қуриш” сиёсати инқирози ва тоталитар тузумнинг парчаланиши, турли этник вазиятларинг кучайиши даврида ўртага ташланди. Мутахасислар юзага келган муаммоларнинг туб илдизини тарихий жихатдан тадқиқ этишга ва ўрганишга киришдилар. XX асрнинг 90-йилларидан кейин Ўзбекистон ССР худудига мажбуран қўчирилган халқлар тарихшунослигига оид Россия ва МДҲ давлатларида қатор илмий асарлар яратилди. Улар орасида россиялик олимлар Н.Ф. Бугай, В.Н.Земсков, В.А. Бердинский, П.М.Полян ва бошқа муаллифларнинг илмий тадқиқотлари алоҳида эътиборга молиқдир.

Н.Ф.Бугайнинг “СССР тарихи” журналида чоп этилган мақоласи XX аср 80-90-йиллардаги депортация қилинган халқлар тарихини акс эттирувчи биринчи мақола ҳисобланади. Бугайнинг кейинги илмий мақолалари [3,122-143 б.] ҳам бу мавзуни янада кенгроқ ўрганишга имкон берувчи манбаларни қамраб олган.

Бугайнинг 1995 йилда нашр этилган “Л.Берия – И.Сталинга: Сизнинг кўрсатмангизга мувофиқ...” номли монографиясида совет қатағон машинаси мажбурий кўчирилган халқларга нисбатан “геноцид” амалга оширган деган хулосаларни беради. Бунга асос қилиб ушбу халқларни кўчириш давомида уларнинг бошига тушган кулфат ва қийинчиликларни келтиради. Бугай тадқиқотларининг аввалги илмий адабиётлардан фарқли жихати шундаки, у фақат мажбурий кўчириш сиёсати ва депортация тарихини ёритмасдан, кўчирилган халқларнинг ижтимоий, маданий, иқтисодий аҳволини, ушбу сиёсатнинг аянчли оқибатлари ва демографик масалаларини, ватанга қайтиш ва реабилитация муаммоларини турли тадқиқотчиларнинг мавзуга доир мулоҳазалари билан таққослаб қўрсатишга ва очиб беришга ҳаракат қилган.

Бугайнинг 2012 йилда нашр этилган “Фуқороларнинг репрессия ва реабилитация муаммолари тарихи ва тарихшунослиги (XX аср ва XXI аср бошлари)” номли монографиясида [4] Ўзбекистон ССРга депортация қилинган аҳолининг аниқ маълумотлари, жумладан, хўжаликлар ва оила сони, кўчирилган халқларнинг Ўзбекистон ССР халқ хўжалигининг қайси соҳасида меҳнат қилганлиги, қандай ишлар билан шуғулланганлиги, Фарғона фожиасидан кейин юзага келган этник муаммоларни, демографик ва миграцион жараёнларни архив манбалирига ва илмий фактларга асосланиб умумлаштиради. Ушбу китобда миллатлараро муносабатлар, депортация қилинган барча халқларнинг ижтимоий реабилитация масаласи ва уларнинг хуқуқлари тикланиши, совет миллий сиёсати ва оқибатларининг тарихи ва тарихшунослиги ёритилган.

Мавзу тарихшунослигидаги муҳим адабиётлардан яна бири бу Павел Поляннинг 2001 йилда нашр этилган “Ўз ихтиёри билан эмас...” китоби [8] бўлиб, унда мажбурий миграция жараёнлари ва геодемографик кўлами тарихи таҳлил қилиб берилган. Ушбу монография муаллифнинг 1998 йилда ҳимоя қилган “СССРда мажбурий миграция географияси” мавзусидаги докторлик диссертацияси асосида яратилган. Монографияда Ўзбекистон ССРга мажбурий кўчирилган аҳолининг статистик таҳдиллари, хариталари, реабилитация масалалари географик асослари билан кўрсатиб ўтилади.

П.М.Полян ва Н.Л. Поболь ҳаммуаллифлигида 2005 йилда яратилган “Сталин депортациялари. 1928-1953” номли монографияда депортацион операциялар хронологияси тўрт даврга бўлиб ўрганилган. Биринчи даврда Иккинчи жаҳон урушидан олдинги этник депортациялар (1928-1939), иккинчи ва учинчи даврда Иккинчи жаҳон уруши вақтидаги депортациялар (1939-1945), тўртинчи қисмда эса урушдан кейин ва Сталиннинг ўлимигача амалга оширилган қатағон сиёсати ёритилади. Ушбу монографияда 90-йилларга қадар “мутлақо маҳфий” тамғаси остида ошкор этилмаган далиллар очиқланган ҳамда Ўзбекистон ССРга мажбурий кўчирилган халқлар ҳақида маълумот берувчи архив материаллари ва хужжатлари келтирилган.

2005 йил Москвада чоп этилган Виктор Бердинский томонидан ёзилган “Махсус кўчирилганлар. Совет Россияси халқларининг сиёсий сургуни” [1] номли илмий асари мавзу тарихшунослигидаги жуда катта аҳамиятга эга илмий асадардир. Унда СССРда амалга оширилган сургун сиёсати тарихи фақатгина архив хужжат ва материаллари билан эмас, балки оғзаки тарих манбалари билан ҳам бойитилган. Бердинскийнинг ёзишича, кўчирилган халқлар орасида йўқотиш жуда катта бўлган, узоқ йўл ва ноқулайликлар уларни ҳолдан тойдирган, касалликлар кўпайган, қочишига уринганлар эса отиб ташланган. Ўзбекистон ССРга мажбуран кўчирилган аҳоли турли туманларга бўлиб юборилган, уй-жой ва иш муаммосини ҳал қилувчи маҳсус бўлинмалар ташкил этилган. Мажбуран кўчирилган аҳоли халқ хўжалигининг турли соҳаларида, колхоз ва совхозларда ишлашган, ҳаттоқи Фарход ГЭС қурилишида иштирок этишган.

Владимир Земсков илмий ишларидан иборат мақолалар [5], монография, 2005 йилда ҳимоя қилган докторлик диссертацияси [6] мавзулари асосини ҳам сургунга учраган халқлар тақдири ташкил этган бўлиб, у ўз илмий ишларida Ўзбекистон ССРга кўчирилган этник аҳоли тарихини динамик жадваллар ва статистик таҳдиллар орқали баён этган.

2004 йилда Москвада нашр этилган “Сталин Гулаги тарихи. 1920 йиллар охири ва 1950 йилларнинг биринчи ярми” 7 жилдан иборат хужжатлар тўплами тарихшуносликдаги яна бир муҳим адабиётдир. Унинг бешинчи жилди “СССРга маҳсус кўчирилганлар”[7] деб номланган бўлиб унда Ўзбекистон ССРга этник депортация қилинган аҳолининг меҳнат посёлкаларига жойлаштирилишига, улар учун турар жойлар қурилишининг йўлга қўйилишига ва уларнинг қишлоқ хўжалиги ҳамда ишлаб чиқариш соҳасидаги фаолиятига асосий урғу берган ҳолда, маҳсус кўчирилганларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволига алоҳида тўхталиб ўтилган. Маҳсус кўчирилганлар учун зарур шароитлар етарли эмаслиги, турар жойлар, мактаб ва шифохоналар қуриш ўз вақтида амалга оширилмаганлиги учун маҳаллий бошқарув идора вакилларининг айбдор эканлиги таъкидлаб ўтилади. Ушбу хужжатлар тўпламида Stalin қатағони ҳамда тоталитар давлатнинг жазоловчи репрессив сиёсатининг таркибий қисми бўлган

этник депортация ва маҳсус қўчириш тизимиning инқирози, унинг бутун бир фожиаси аниқ қонуний асосларда, архив манбалари ва маълумотларига кўра таҳлиллари билан далиллаб кўрсатилган.

Юқорида қайд этилган илмий тадқиқотларда муаллифлар депортациялар умумий жараёнига, халқлар қайси ҳудуддан қўчирилган бўлса, кўпроқ ўша ҳудудларга эътиборни кучайтириб, уларнинг келиб жойлашган ҳудудлардаги ҳаётини кам ёритдилар. Ваҳоланки совет давлатида амалга оширилган депортациялар тарихини атрофлича ёритиш учун бу масалаларни алоҳида ўрганиш талаб этилади [11;61-6]. Иккинчи жаҳон урушидан олдин ва уруш йилларида қўчирилган халқларнинг Ўзбекистон ССР ҳудудидаги тақдири, турмуш тарзи, меҳнат фаолиятлари, уларнинг маҳаллий аҳоли билан муносабати, этник хусусиятлари, ўзбек халқининг олижаноб ва бағрикенглиги, халқпарварлиги масалалари чуқур ўрганишни талаб этадиган мавзу ҳисобланади. Бу мавзуларда қатор маҳаллий мутахасислар томонидан илмий изланишлар олиб борилган бўлиб, юқоридаги долзарб муаммоларни бирми-бир тадқиқ этишда салмоқли меҳнат қилдилар. Улардан бири Ғарбий Украина ва Ғарбий Белорусия ҳудудларидан маҳсус қўчирилган ва Ўзбекистон ССРда 1941-1946 йилларда яшаган поляк фуқоролари тарихи бўйича изланиш олиб борган тадқиқотчи олим профессор Шодмонқул Пиримқуловдир.

1999 йил нашр этилган “Поляк фуқоролари Самарқандда (1941-1946 йй.)” ва 2006 йил Тошкентда нашр этилан “Сургун қилинган поляк фуқоролари Ўзбекистонда (1941-1946 йй.)” номли илмий асарлар Шодмонқул Пиримқуловнинг кўп йиллик тадқиқотлари наъмунаси ҳисобланади. Бу илмий ишлар асосини Ўзбекистон Миллий архиви, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони архиви, Тошкент шаҳар ва вилоят давлат архивлари, Россия марказий давлат архиви, Польша Республикасининг давлат архиви хужжатлари ва даврий матбуот материаллари ташкил қилган. Ш.Пиримқулов илмий асарларида поляк фуқороларининг Ўзбекистон ССРга келиб қолиш сабабларини тушунтириш, уларни жойлаштириш, уй-жой ва иш билан таъминлаш масалаларини аниқлаш, поляк фуқароларинг моддий аҳволини ўрганиш ва уларга кўрсатилган ёрдам турларини ёритиш, поляк болаларини ўқитиши, таълим бериш жараёнини, маҳаллий раҳбарият ва мутасадди ташкилотлар томонидан поляк фуқароларига кўрсатилаган ёрдам турлари ва кўламини аниқлаш, поляк фуқоролари билан маҳаллий аҳоли ўртасида дўстлик муносабатлари пайдо бўлиши ва мустаҳкамланиши жараёнини кўрсатиш каби мақсадларга муҳим ва устувор вазифа сифатида ёндашган.

Ўзбекистонда яшаб келаётган турли этник вакилларнинг тарихи ҳақида шу жумладан, Иккинчи жаҳон уруши арафаси ва уруш даврида сургун қилинган халқлар ҳақида маълумот берувчи яна бир асар “Ўзбекистоннинг этник атласи” китоби бўлиб, унда совет давлатида репрессияга учраган Ўзбекистонда яшовчи этник гурӯҳ ва халқлар ҳақида умумий ва оғзаки тарих асосида маълумотлар келтирилган.

1993 йил Тошкентда нашр этилган “Ўзбекистон Республикаси корейслари. Тарих ва келажак.” номли асар Пётр Геронович Ким томонидан ёзилган бўлиб, ушбу монографияда Ўзбекистон ССРга 1937-1938 йилларда мажбурий қўчирилган корейслар тақдири ва улар дуч келган қийинчиликлар, шунингдек, ўзбек халқи ва корейс эмигрантлари билан миллатлараро муносабатларнинг йўлга қўйилиши тарихи ҳақида тадқиқ этилган маълумотлар берилади. Яна бир ўзбекистонлик корейс миллатига

мансуб тадқиқотчи В.Д.Кимнинг “Ярим асрдан кейинги ҳақиқат” ва “Эшелон-58” номли асарларида архивларда маҳфий равишда сақланган маълумотлари, яъни корейсларнинг Узоқ Шарқдан СССРнинг бошқа худудларига, шу жумладан, Ўзбекистон ССР худудига кўчирилганлиги ҳақидаги далилларни очиқлаган.

Тадқиқотчилар В.С.Хан, С.М.Хан, А.Жумашевларнинг илмий ишларида мажбурий кўчириш сиёсатининг сабаблари, корейсларнинг Ўзбекистон ССР худудидаги ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотларни келтиришда кенг қўламда архив хужжатлари ва материалларидан фойдаланилган [12].

Тадқиқотчи олима Адолат Рахманкулова совет миллий сиёсати ҳамда Сталин қатағони қурбони бўлган Ўзбекистон ССРга сургун қилинган халқлар тарихини акс эттирувчи кўплаб илмий мақола ва ишларни эълон қилган. Уларда Ўзбекистонда совет давлатининг қатағон сиёсати, унинг келиб чиқиш сабаблари ва фожиали оқибатлари, Ўзбекистонга зўрлик билан кўчирилган халқларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, XX асрнинг 30-40-йилларнинг охирида кўчирилганларнинг меҳнат салоҳиятидан фойдаланиши бўйича масалалар ёритилган бўлиб, олима халқлар депортацияси тарихи бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий архиви хужжатларини, шунингдек, Ўзбекистонга мажбурий кўчирилган халқлар тарихи бўйича бошқа бир қатор муҳим архив манбаларини ҳам тадқиқ этган [10].

Совет ҳокимиятининг миллий сиёсатининг салбий оқибатлари XX асрнинг 80 йиллари охирида рўй берган этник можороларда ўзининг яққол ифодасини топди. Бунга мисол қилиб Фарғона фожиаларини келтириш мумкин. Ўзбекистон ССР худудига турли этник халқ вакиллари кўчиб келган кундан бошлаб маҳаллий аҳоли уларга ўз уй-жойларини, нонини бўлишиб, тинч ва аҳил яшаб келдилар. Аммо, совет давлатининг парчаланиши арафасида юз берган этник инқироз ва унинг даҳшатли оқибатлари халқлар бошига турли синов ва кулфатларни келтирди.

Фарғона фожиаларини тадқиқ этган олим Х.Н.Бобобеков ушбу фожиа тарихининг асл моҳиятини очиб бериш ва келиб чиқиш воситаларини аниқлаш учун турли тарихий архив хужжатлари ва баёнлари, воқеа гувоҳларидан ёзиб олинган маълумотлари, даврий матбуот материалларини тадқиқ этишга киришади [2]. Профессор Қаҳрамон Ражабов фикрига кўра, Фарғона водийсидаги месхети турклари билан маҳаллий аҳоли ўртасидаги иҳтилоф – бу сунъий ташкил этилган иғвогарлик бўлиб, маҳаллий миллат вакилларининг бошқа миллат вакилларига нисбатан чиқиши эмас эди. Аксинча, Марказнинг Ўзбекистонда миллий низони сунъий равишда келтириб чиқариб, халқ оммаси эътиборини чалғитиши эди деган хulosага келиш мумкин. Фарғона воқеаларини таҳлил қилган тадқиқотчи олимлар [9;125-б.] бу воқеа келиб чиқишининг асосий сабаби ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг ёмонлиги ва бунинг оқибатида улар ўртасидаги зиддиятларнинг йилдан йилга кучайиши эканлиги кўрсатган.

Ҳозирги давр тадқиқотчи олимлари М. Хошимова, К.Саипова, О.Бозоров, Ш.Маҳамадюнусовлар [13] томонидан ҳам мавзу тарихшунослигига оид салмоқли ишлар амалга оширилган. Улар томонидан эълон қилинган илмий ишлар ва мақолалар совет ҳокимиятининг Ўзбекистон ССРга халқларни мажбурий кўчириш сиёсати, этник депортация муаммоси ва унинг оқибатлари тарихини акс эттиришда ўзининг улкан ҳиссаларини қўшиб келмоқда.

Хулоса

Совет бошқаруви даврида мажбурий қўчириш сиёсатидан кўзлаган асосий мақсад бу тоталитар давлат ҳокимиятини марказлаштириш учун унга қарши чиқиши мумкин бўлган кучларга репрессия қўллаш, алоҳида этник гуруҳ вакиллари ва халқларни жисмонан йўқ қилиш, уларга нисбатан зўрлик ишлатиш, сиёсий ва маънавий эркинлиқдан маҳрум қилиш эди. Ўзбек халқи эса ушбу оғир дамда уларга ҳақиқий инсонпарлик наъмунасини намойиш этиб, бағрикент ва олижаноб халқ эканлигини амалда исботлай олди.

XX асрнинг 90-йилларидан то ҳозирги кунга қадар Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг мажбурий қўчириш сиёсати ва унинг оқибатлари масаласи хорижий ва маҳаллий тарихчилар томонидан ўрганиш ишлари босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Юқорида қайд этилган тарихий адабиётларда берилган маълумотларни ушбу мавзу тарихшунослигидағи муҳим манбалар қаторига киритишимиз мумкин.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Бердинский В.А. Спецпоселенцы. Политическая ссылка народов Советской России. – Москва: Новое литературное обозрение, 2005.
2. Бобобеков Х.Н. Фарфона фожиаси кундалиги.1989 йил. –Тошкент. Fan va texnologiya. 2018. -316 б.
3. Бугай Н.Ф. К вопросу о депортации народов СССР в 30-40-х годах.// История СССР.1989. №6.С.115; Последствия депортации народов (Свидетельствуют архивы НКВД - МВД СССР).// История СССР.1992.№1.С.122-143.
4. Бугай Н.Ф. Проблемы репрессий и реабилитации граждан: история и историография (XX в. – начало XXI в.). –Москва: Гриф и К, 2012.
5. Земсков В.Н. Спецпоселенцы (по документам НКВД - МВД СССР)// Социологические исследования. 1990. №11; Он же. К вопросу о депатриации советских граждан: 1944-1951 годы// История СССР.1990.,№4; Он же. Заключённые, спецпоселенцы, ссыльнопоселенцы, ссыльные и высланные (статистико-географический аспект)// История СССР.1991.,№5.
6. Земсков В.Н. Спецпоселенцы в СССР. 1930-1960. Автореф.док.ист.наук.-Москва,2005.-С.9.
7. История сталинского Гулага. Конец 1920-х — первая половина 1950-х годов: Собрание документов в 7-ми томах / Т. 5. Спецпереселенцы в СССР / Отв. ред. и сост. Т. В. Царевская-Дякина. — Москва: «Российская политическая энциклопедия» (РОССПЭН), 2004..
8. Полян П. Не по своей воле. История и география миграций в СССР. –Москва: ОГИ-Мемориал, 2001. –С. 239.
9. Ражабов Қ. Ўзбекистон ССРда совет давлатининг емирилиши ҳамда қайта қуриш сиёсати таназзули (1985-1991 йй.). –Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти давлат корхонаси, 2022. –Б.125.
10. Рахманқулова А. Об использовании трудового потенциала депортированных народов в Узбекистане в конце 1930-х – 1940-е годы // Этнографическое

- обозрение. №5. 2006.-С. 150-163.; Она же. Политические процессы периода сталинизма и насильственное переселение народов в Среднюю Азию и Казахстан. – 2017.- С. 107-114.; Она же. Документы Центрального государственного архива Республики Узбекистан по истории депортации в Узбекистан в 1930-е годы (на примере корейцев) //Известия корееведения Казахстана. – №8. 1999.-С.77-85.; Она же. Советская депортационная политика в западной историографии // Вестник Национального университета. №1.2010.-С.55-58.;
11. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккита китоб. Иккинчи китоб (1939-1991 йиллар). Масъул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, М.Рахимов, Қ.Ражабов.-Тошкент: O'zbekiston.2019. -Б.61.
12. Хан В. С., Сим Хон Ёнг. Корейцы Центральной Азии: прошлое и настоящее. - М.: Изд-во МВА, 2014; Джумашев А. История переселенцев. Вестник Каракалпакского отделения АН РУз. 1995, №4; Хан С. М., Хан В.С. «Сталинизм: к вопросу о причинах политики депортаций.»«Известия о корееведении в Казахстане и Средней Азии. – Алматы. 1993. №4
13. Хашимова М. XX аср ўртасида Марказий Осиёга депортация қилинган Шимолий Кавказ халқлари тарихи (Қозоғистон Республикаси мисолида). Тарих фан. номзод.дисс. –Самарқанд,2004.; Саипова К. Толерантность узбекского народа к эвакуированным и депортированным народам в годы войны с фашизмом. – Ташкент: "TURON IQBOL",2018.; Бозоров О. XX асрнинг 80 йилларида Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар тарихи (Фарғона фожиаси мисолида). Тарих. фан.бўй.фалсафа. док. Дисс (PhD). –Тошкент,2019.; Маҳамадюнусов Ш. Ўзбекистонга депортация қилинган халқлар ва уларнинг тақдирни (Фарғона водийси мисолида,1937-1960 йиллар). Тарих. фан.бўй.фалсафа. док. Дисс (PhD). – Андижон,2022.
14. Conquest R. The Soviet deportation of nationalities. London: MACMILLAN & CO LTD; New York: ST MARTIN'S PRESS, 1960.
15. Nekrich A.M. The punished peoples. New York, 1978.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Махсус сон

№ S/2 (3) – 2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**
Специальный выпуск

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES
Special Issue

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари**” электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамият

Таҳририят манзили:
100070. Тошкент шаҳри, Яққасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com
Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram).